



Янги йил барчамизга муборак бўлсин!



Shu aziz VATAN — barchamizniki!



ЎЗБЕКИСТОН ОҶОҶИ

• 2014-йил, 1-январ. Chorshanba • 1 (31.748) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим, қадрдошларим! Мана шу унутилмас, шуқудли дамларда сиз, мўътабар отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ўғил-қизларимиз, жажжи болаларимизни — барча-барчангизни кутлуг қадамлар билан юртимизга кириб келаётган янги йил билан чин қалбимдан табриклаб, самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Байрамона дастурхон атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларни бағримга босиб, хонадонларингизга тинчлик, соғлиқ-омонлик ва хурсандчилик, тўқин-сочиллик ёр бўлишни, юртимиз янада обод бўлиб, янада чирой очиб равнақ топишни, барча-барча эзгу ниятларимиз ушланишни тилайман.

Бугунги кунда олдимизда турган буюк мақсадларимизга эришиш, тараққий тошган демократик давлатлар қаторига кириш, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мамлакатимиз кўяётган амалий қадамлар, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётгани барчамизга яхши маълум.

Яқунига етаётган 2013 йилнинг айнаи шу йўлда Ватанимиз тараққий-тига, иқтисодий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамастан, кейинги йилларда иқтисодий-иқтисодий ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёд ташкил этгани ва бундай кўрсаткич дунёда камдан-кам давлатларда кузатилаётгани барчамизга чуқур мамнуният етказди.

Бунинг далили сифатида жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамастан, кейинги йилларда иқтисодий-иқтисодий ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёд ташкил этгани ва бундай кўрсаткич дунёда камдан-кам давлатларда кузатилаётгани барчамизга чуқур мамнуният етказди.

Иқтисодий-иқтисодий жалб қилинаётган кенг қўламли капитал мублағлар ва чет эл инвестицияларининг ҳажми тобора охиб бораётгани, шунинг ҳисобидан энг замонавий технологияларга асосланган юзлаб корхоналар, транспорт коммуникациялари, минг-миглаб янги уй-жойлар, инфратузилма объектлари барно этилгани шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда, мамлакатимизнинг салоҳиятини янада ошириб, келажагимиз учун мустақкам пойдевор яратмоқда, десак, айнаи ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтиб бораётган 2013 йилда аҳоли-мизнинг реал даромадлари 15,7 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга ўсгани, инфляция даражаси 6 фоиздан ортгани, бозор ва дўконларимиз расгалари тўқин-сочил бўлиб, кўзини қувонтираётгани, нархнаво метёрдан ошгани — буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганининг яққол далили ва исботи, десак, янглишмаган бўламиз.

Янги йилда ҳам айнаи шу сифатни изчил давом эттириш асосида аҳоли-мизнинг моддий аҳволи янада яхши-ланиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори бу рақамлардан кам бўлмайдди, деб барчангизни ишонтириб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Қадрли юртдошлар! Бугун биз катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган янги — 2014 йил ҳақида, барчамизнинг эътиборимиз марказида туриши зарур бўлган вазиғлар ҳақида гапирганда, энг аввало, қўлга киритган ютуқларга маҳ-лий бўлмасдан, беспарволик кайфия-

тига берилмасдан, эришган натижа-ларимизни танқидий баҳолаб, ҳаёт та-лаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, кўзла-ган истиқболимизга қадим қўйиши-миз ниҳоятда муҳимдир.

Шу маънода, биринчи навбатда юр-тимизда тинчлик ва осойишталикни, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни, қўшнилариимиз бил-лан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ҳар қандай бало-қазо-ларни остонамизга йўлатмаслик, сар-ҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачи-гидек асраш, бунинг учун Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудрати-ни оширишга алоҳида аҳамият бер-иш — бугунги кунда нотинч замон-нинг ўзи олдимизга кўяётган долзарб вазиғлар қаторида сақланиши зарур.

Биз танилаган ва ўтган давр мобай-нида ўзини тўлиқ оқлаган, чуқур ўйланган, жамиятимизни демократ-лаштириш ва ҳаётимизни эркинлаш-тиришга қаратилган ислохотларни чу-қурлаштириш ва самарасини ошириш сиёсатимизни давом эттириш янги йилда барча дастурларимиз ва кун-далик ҳаракатларимизнинг мақсадла-рига айланиши керак.

Шу борада замонавий корхоналар-ни ишта тушириш ҳисобидан иқти-содий-иқтисодий таркибий ўзгаришлар-ни амалга ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатларини ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, соғлиқни сақ-лаш, биз учун муҳим ўрин тутадиган таълим-тарбия соҳасини янги бос-қичга кўтариш, кенг қўламли бунёд-корлик ишларимизни давом эттириш янги йилда ҳам энг устувор вазиғла-римиз бўлиб қолади.

Кириб келаётган 2014 йилнинг юр-тимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганини халқимиз катта мамнуният билан кутиб олгани ва кенг қўлаб-қувватлаётгани бу қарор эл-юртимизнинг олижаноб орзу-ин-тилишлариға нақадар ҳамоҳанг экан-лидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб воёга ети-ши, уларнинг бахту иқболини кўриш — ҳар бир ота-она, ҳар қайси оила-нинг энг улуг ва муқаддас орсусидир.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яхши тушунамизки, фақатгина жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, замона-вий билимга, ўз фикр ва қарашлариға эга бўлган, Ватанимизнинг тақди-ри ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодимизни камол топтириш — биз кўзлаган обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий тарови ва айтиш мумкинки, ҳал қилувчи парти бўлиб майдонга чиқмоқда.

Айнаи шу ҳақиқатни чуқур англаб, «Соғлом бола йили» деб ном олган 2014 йилда ва келгусида ҳам бу маса-ла, бу вазиға ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз, барча-барчамизнинг доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Азиз ва қадрли ватандошларим! Янги йил кириб келишиға санокчи дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу орзу-мақсадларимизнинг рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юр-тимизга, барча-барча оилаларға бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва ти-лаклариимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизға муборак бўл-син!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 751 нафар болажонларға Президент совғалари топширилди.



«Президент арчаси»

атрофидаги болалар қувончи бутун Ўзбекистон бўйлаб кезмоқда

Тошкент шаҳри. Халқ таълими вазирлиги, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ҳамкорлигида «Туркистон» саройида ўтказилган «Президент арчаси» тантаналарида пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернат ўқувчилари, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари иштирок этди.

«Туркистон» саройининг фойсидида Қорбобо ва Қорқиз барча болаларни Янги йил байрамиға чорлади. Кичкинтойлар турфа чироқлару ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофида янги йил, Ватан, бахтли болалик, қиш, байрам

шодиёналарига бағишланган шеърлар айтиб, қувноқ куй-қўшиқлар, рақсларға жур бўлади. Эстрада ва цирк санъати усталари иштирокидаги концерт дастури болаларнинг қувончиға кувонч қўшади. — Байрамда мазаза қилиб

ўйнадик, қўшиқлар айтдик, — дейди Олмазор туманидаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Сардор Зайниддинов. — Президентимизға арча байрами ва совғалар учун катта раҳмат. — Давоми 3-бетда.

Янги йилни янги уйға

кутадиган бўлди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги йил байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа тумани Бўстон шаҳрида турт қаватли янги тураржой биноси фойдаланишға топширилди. — Уйлар ёш оилалар учун ўн беш йил мuddатга ипо-

тека кредити ҳисобидан берилди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси Жавлон Болтаев. — Бу ёшларимиз учун жуда катта имтиёз бўлди.

Янги уйни «Тупроққалъа-маҳсулқурилиш» масъулия-

ти чекланган жамияти бунёдкорлари қисқа фурсатда қуриб битказди.

— Янги йилни янги уйға кутадиган бўлди, — дейди Бахтиёр Хонидиёнов. — Бу оиламиз учун ҳақиқий байрам совғаси. Бу ерда иссиқ сув, совуқ сув, табиий газ — ҳаммаси бор. Хоналар миллий анъаналаримиз ҳисобға олинган ҳолда замонавий тарзда жиҳозланган.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ҳуқуқий эксперимент

2013 йилнинг энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларидан бири сифатида мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги даврини бошлаб берди

Ҳаёт таърибидан маълумки, фуқаролари ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган, сиёсий маданиятли жамият изчил тараққий этади. Чунки, ижтимоий-сиёсий фаол одамлар ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, ўз тақдирдаги ўрни ва аҳамиятини чуқур англайди.

Мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштириш, бу жараёнда фуқаролар иштирокини кенгайтириш бўйича амалга оширилаёт-

ган муҳим ишлар мана шу мақсадға қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Хусусан, Президентимизнинг «Давлат ҳокимия-ти ва бошқаруви органла-

ри фаолиятининг очилди-ги тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойиши асосида Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти органлари негизида ўтказилган ҳуқуқий эксперимент бу борадаги ишларнинг янги босқичи-ни бошлаб берди.

► Давоми 2-бетда.

Самимий қутловлар

Кириб келаётган Янги — 2014 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номиға қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарларидан, чет эллик жамоат арбобларидан Юртбошимиз ва халқимизға бахт-саодат, тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилаб, энг эзгу ниятлар изҳор этилган самимий қутловлар келиб турибди.

Жумладан, қуйидагилар ўз табриқларини йўллашган:

- Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**
- Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири **Ли Кэцян**
- Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти **Йоахим Гаук**
- Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери **Ангела Меркель**
- Польша Республикаси Президенти **Бронислав Коморовский**
- Канада генерал-губернатори **Дэвид Жонстон**
- Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**
- Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**
- Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**
- Янги Зеландия генерал-губернатори **Жерри Матепарае**
- Москва ва Бутун Русь Патриархи **Кирилл**
- Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси депутати **Кёко Накаяма**
- Корея миллий нефть корпорацияси президенти ва Бош ижрочи директори **Мун Кю Сух**

Табриқномалар келиши давом этмоқда.



ЎзХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

2013 йилда — Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари йиғилишларида 218 та масала қўриб чиқилган. Шундан 115 таси сессиялар муҳокамасига киритилган.

Электорат ишончини оқлаш

учун янада қатъий ҳаракат талаб этилади



Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 29 нафар депутати фаолият кўрсатмоқда.

Фракция партия Сайловолди дастури, 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасига муҳтож қатлами ҳаётини яхшилашга реал таъсир кўрсатишга қаратилган кўплаб ташаббусларни илгари сураётти. Қонунлар лойиҳаларига ўз таклифларини бермоқда, қонунлар лойиҳаларини айрим моддаларнинг муқобил таҳририни ишлаб чиқмоқда. Улар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилапти.

Мисол учун, «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳаларида аҳолининг ижтимоий кўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини тўлиқ акс эттириш мақсадига ЎзХДП фракцияси деярли барча вилоятларда тегишли ўрганишлар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказди.

Ушбу тадбирларда партиянинг электорати томонидан билдирилган барча таклифлар фракциянинг ишчи гуруҳи томонидан умумлаштирилди ва таҳлил қилинди. Шундан сўнг, қонун лойиҳалари фракция мажлисларида тегишли экспертлар, олимлар, мутахассислар иштирокида яна муҳокама қилиниб, фракциянинг позицияси ишлаб чиқилди. Касб-хунар коллежлари битирувчилари биринчи иш жойи билан таъминлашдаги қароларни янада мустаҳкамлаш ва ушбу жараёнда барча иш берувчилар, шу жумладан, тадбиркорларнинг масъулиятини янада ошириш бўйича қатор таклифларни илгари сурди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республика-

си Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун 2013 йил 19 апрелдан кучга кириши қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичида фракцияларнинг ролини янада кучайтирди, таъсир этиш имкониятини кенгайттирди. Янги тартибга кўра, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилган қонунлар лойиҳалари тегишли кўмита билан бир вақтнинг ўзида сиёсий партияларнинг фракцияларига ҳам юборилади. Сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳаси юзасидан фикри, муносабатини олмай туриб, кўмита қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқара олмайди.

Демак, партия ташкилотлари фракцияни ҳаракатга келтириши, яъни унинг фаолиятини гоёвий, ташкилий, услубий жиҳатдан кўллаб-қувватлаб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид таҳлиллар, партиянинг нуктаи назари билан қўриқлаштириб туриши керак. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасига муҳтож қатлами манфаатлари билан боғлиқ барча масалаларни жойларда ўрганиб, таҳлил этиб бориши, унинг натижаларини доимий равишда фракцияга етказиб туриш даркор.

ЎзХДПда ҳозир шундай амалиёт йўлга қўйилди. Қонунчилик палатасига киритилган қонун ҳужжатларини фракция мажлисида муҳокама қилишдан олдин партия ташкилотлари у билан боғлиқ масалаларни аҳоли орасида чуқур ўрганмоқда. Шунингдек, маҳаллий Кенгашлардаги партия миз депутатлик гуруҳлари, фаоллар ва электорат вакиллари иштирокида муҳокама-мамардан ўтказилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ЎзХДП фракцияси ҳар йили мунтазам равишда ўз электорати манфаати билан бевосита боғлиқ долзарб ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни парламент ашмутига киритиб келмоқда. Булар ҳам, аввало, партиянинг бошланғич бўғинида муҳокама қилинмоқда.

Мисол учун, 2013 йилда партия ташкилотлари касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи-

ни жойларда чуқур ўрганди. Кейинги икки йил давомида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси билан боғлиқ масала ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг ўзидан 51 марта, уларнинг ташаббуслари билан маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссияларида 28 марта ҳамда сессияларда 28 марта муҳокама этилди ва шундан сўнг парламент эшитувиغا олиб чиқилди. Шу жараёнда фракция нафақат муаммоларни кўтарди, балки уларнинг ечимини бўйича ҳукуматга ўз таклифини киритди.

Сиёсий партиянинг салоҳияти кўп жиҳатдан депутатлик гуруҳлари амалга ошираётган ишлар билан белгиланади. Депутатлар қанча фаол ва ташаббускор бўлса, электорат манфаати ҳимояси шунча кучаяди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўзи сайланган ҳудуднинг ривожланиш ҳолати, ютуқлари-ю муаммоларини яхши билади. Депутатдан эса муаммоларни нафақат билиш, балки, уларни ҳал этиш бўйича муқобил таклиф айтиш, бу таклифларни маҳаллий вакиллик ҳокимияти муҳокамасига олиб чиқиб, амалий жиҳатдан таъсир бўлган қарорлар қабул қилинишига эришиш талаб этилади.

Агар мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2013 йил давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари йиғилишларида 218 та масала қўриб чиқилган. 136 та масала доимий комиссиялар йиғилишлари, 115 та масала эса сессиялар муҳокамасига киритилган. Масалан, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлиги, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш ҳамда бозорларимизни арзон, сифатли ва ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдирish, кишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, мазкур соҳага оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини кенг жалб этиш билан боғлиқ масалалар қўриб чиқилди.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлиги даражаси ошиши аҳоли реал даромадлари янада ўсишини таъминлаш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожини, ҳудудларда уй-жой ва ижтимоий инфратузилма яхшиланишининг муҳим омил ҳисобланади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлариди партия депутатлик гуруҳларининг ҳудудий инвестиция дастурларига маҳаллий ресурс ва хусусий сармояларни кенг жалб этиш йўли билан янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича қўшимча лойиҳаларни киритишга қаратилган фаолиятини янада ривожлантириш устида иш олиб боришмоқда.

ЎзХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция

аъзолари, Марказий банк, Давлат солиқ кўмитаси, Иқтисодий вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо саноат палатаси ҳудудий бошқармалари иштирокида «**Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг маҳаллий ресурс ва инфратузилмани ҳисобга олган ҳолда туман ва шаҳарлар инвестицион дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча лойиҳаларни тузиш борасидаги вазифалари**» мавзусида амалий семинарлар ўтказилди. Натижада, жойлардаги имкониятлардан келиб чиқиб, туман, шаҳар инфратузилмаси, маҳаллий хомашёга асосланган ва барча бошқа имкониятларни инобатга олган ҳолда уларнинг аниқ инвестицион дастурларини шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бунда оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Ҳозирги кунгача 800 та қўшимча лойиҳа маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик бирлашмалари томонидан ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Бунинг натижасида 2000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши назарда тутилган.

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида муносиб иштирок этиш ҳар бир сиёсий партиядан жиддий масъулият талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Конституцияни қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «**Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишни энг муҳим омилга айланмоғи зарур**», деб алоҳида таъкидлади.

Бундан хулоса қиладиган бўлсак, хотир-жамлик кайфиятига берилмасдан, фаолиятни тизимли равишда кучайтириб бориш талаб этилади. Партия электоратини ташвишлантираётган муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиб, таҳлил этиб бориш, баргараф этиш йўллари бўйича аниқ таклифлар асосида партиянинг позициясини ҳимоя қилиш зарур.

Умуман, Конституция байрамига бағишланган маросимда илгари сурилган гоҳ ҳаётга изчил татбиқ этилиши сиёсий партияларнинг фаоллиги, сиёсий масъулияти, етуқлик даражаси ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ўзи позициясини қанчаллик даражада қатъият билан илгари сура олишига боғлиқ.

Бекзод ШУКУРОВ

ЎзХДП: «**ФАОЛ АЁЛЛАР**» ҚАНОТИ

Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, қизларни ҳаётга тайёрлаш, оналик ва болаликни муҳофазасига қилиш масалаларига бағишланган 10 дан ортиқ учрашув ва давра суҳбати ўтказдик. Бунинг натижасида чекка ҳудудларда истиқомат қиладиган хотин-қизларни ташвишга солаётган айрим муаммолар депутатларимиз иштирокида ҳал қилинди.

Амалий ишлар туфайли

хайрихоҳлар кўпаймоқда



Мана, гўё кечагина барчамиз катта ҳаяжон ва қувонч билан кутиб олган Обод турмуш йилини ҳам ортада қолдирдик. 2013 йил юртимизда катта ютуқлар эришилди, кўплаб тарихий воқеалар бўлди. Президентимиз Ислам Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини тинглаб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Маърузада таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетини қабул қилишда ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. 2013 йилда бу соҳага 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун 970 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Унинг 60 фоизи кишлоқ ҳудудларида ташкил этилди. Энг муҳими, касб-хунар коллежларини битирган 500 мингдан зиёд йигит-қиз ишга жойлаштирилди.

Бу рақамлар ҳар бир юрдошимизнинг ҳаётига, тақдирига, турмуши даражаси ошишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ислохотларнинг ижтимоий самараси охиб боришидан манфаатдор эканини йил давомида намойиш этиб, электорат фойдасига хизмат қиладиган қатор амалий ишларни бажарди. Айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, турмуши даражасини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ва оиладаги макенини мустаҳкамлаш, сиёсий ҳуқуқий билиминини оширишда партиянинг «Фаол аёллар» қаноти ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли биз фаолиятимизни амалий ҳаракатлар асосида олиб боришга интиляемиз. Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, қизларни ҳаётга тайёрлаш, оналик ва болаликни муҳофазасига қилиш масалаларига бағишланган 10 дан ортиқ учрашув ва давра суҳбати ўтказдик. Ҳар бир тадбирда иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларини ўргандик. Бунинг натижасида чекка ҳудудларда истиқомат қиладиган хотин-қизларни ташвишга солаётган айрим муаммолар аёл депутатларимиз иштирокида ҳал қилинди.

Бундан ташқари, 2013 йилда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига ҳам жиддий ёндашдик. Ту-

ман хотин-қизлар кўмитаси, Бандлик кўмаклашиш ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қилиш маркази, тижорат банклари билан яқин ҳамкорлик натижасида эллик нафарга яқин хотин-қиз ўзига муносиб иш топиши, бизнесини йўлга қўйишига кўмаклашдик. «Мустаҳкам оила — жамият таянчи», «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳалари, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида ўтказилаётган тадбирларда янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти, хотин-қизларга яратилаётган қулайлик ва имтиёзлар ҳақида сўз юритилгани, жонли мулоқотлар уюштирилгани уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Амалий ишларимиз хайрихоҳларимиз сафи тўбора кенгайишига хизмат қилапти. Биргина мисол: 2012 йилда туманда канотимиз 1024 нафар аъзога эга эди, 2013 йилда уларнинг сони яна 300 нафарга ошди.

Соғлом бола йилида олдимизда турган вазифалар кўлами янада катта эканлигини яхши англаймиз. Биринчи навбатда аёллар бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини янада энгиллаштириш, ижтимоий фаоллигини ошириш борасида янги ташаббуслар билан чиқшимиз, ҳаётини яхши қилишимиз алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, партияимиз зарур дастурий мақсад ҳамда гоёларига мос равишда оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган ишларимизни кучайтиришимиз лозим. Ҳар бир хотин-қиз ҳаётидан мамнун яшashi, оиласидан хотиржам бўлишига муносиб ҳисса қўшсак, ўз вазирамизни бажарган бўламиз.

Рўзбиби ЭСОНОВА, ЎзХДП Вобкент туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси, «Дўстлик» ордени соҳибчи.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Жами сўровлар сони Самарқанд вилояти бўйича 2836, Бухоро вилояти бўйича 1513 тани ташкил этди.

Ҳуқуқий эксперимент

2013 йилнинг энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларидан бири сифатида мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги даврини бошлаб берди

Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзлари қабул қиладиган қарорлар борасидаги масъулиятини ошириш, фаолиятини тўғрисидаги ахборотдан юридик ва жисмоний шахслар кенг фойдалана олишларини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш шакллари кенгайтириш каби асосий вазифалар белгиланган.

2013 йилнинг март ойида бошланиб, йил охиригача давом этган ҳуқуқий эксперимент жараёнида қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштириш, уни самарали кўллаш механизмларини яратиш, ҳуқуқий эксперимент усулларини қонун ижодкорлигига жорий этиш юзасидан кўплаб таклифлар олинди.

Ҳуқуқий тажриба муайян босқичлар доирасида тизимли олиб борилди. Дастлаб зарур ташкилий-ҳуқуқий база яратилди. Шунингдек, кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари мазкур эксперимент мақсад-вазифалари ҳақида мунтазам равишда хабардор қилиб борилди.

Асосий босқичда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ахборотдан фойдаланувчилар фаолияти эксперимент ўтказиш тартибига мавофиқ ташкиллаштирилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан маз-

кур жараёни ташкил этиш, веб-сайтлар яратиш ва уларни мунтазам аниқлаб бориш, ахборот олиш хоналарини шакллантириш бўйича зарур ишлар амалга оширилди. Шунингдек, фуқароларнинг манфаатига бевосита дахлдор бўлган масалалар юзасидан қабул қилинаётган қарорлар мазмун-моҳиятини матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар орқали тушунириш бўйича давлат органлари раҳбарларининг масъулияти оширилди, қонун лойиҳаси нормаларининг самарадорлиги бўйича комплекс баҳолаб олинди.

Ҳозирда эса ҳуқуқий эксперимент субъектлари эксперимент натижаларини умумлаштириб, таҳлил қилмоқда. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан асосланган тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Алоҳида эътибор лозимки, ҳуқуқий эксперимент давомида ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида катта тажриба тўпланди. Шунингдек, дастлабки натижаларга эришилди. Хусусан, ҳуқуқий эксперимент майдонига Самарқанд вилояти ҳокимлигига фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари томонидан 274, Бухоро вилоятида эса 183 сўров йўлланди. Самарқанд вилоятдаги туманлар ҳокимликлари эса жами 368, Бухоро вилоятида 316, Самарқанд вилоятида ташкилот ва қорхоналари 2194, Бухоро вилояти-

ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН:

Мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ҳуқуқий асосини ташкил этадиган давлат қарорларининг жойларда аниқ ижро этилиши юзасидан давлат бошқаруви маҳаллий органлари ходимлари масъулиятини ошириш, давлат ижтимоий дастурлари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш зарур.

да эса 1014 сўров келиб тушган. Жами сўровлар сони Самарқанд вилояти бўйича 2836 тани, Бухоро вилояти бўйича эса 1513 тани ташкил этди. Уларга асосан жавоблар кайтарилди, муайян қисми эса кўриб чиқилмоқда.

Қонун лойиҳаси синови жараёнида ҳуқуқий эксперимент субъектларига тегишли веб-сайтлари сони Самарқанд вилоятда 27 тадан 83 тага, Бухоро вилоятда эса 28 тадан 56 тага етди. Ана шу мисолларнинг ўзидек ҳудудий экспериментнинг натижаси юқори бўлганини кўрсатиб турибди.

Таъкидлаш керакки, ҳуқуқий эксперимент жараёнида фуқаролик жамияти институтлари зиммасига ҳам муайян вазифалар юклатилди. Зеро, қонун лойиҳаси синовида уларнинг иштироки, фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ҳуқуқий эксперимент жараёнида муносиб иштирок этишга ҳаракат қилди.

Партия Марказий Кенгаши Самарқанд, Бухоро ва бошқа қатор вилоятларда ҳуқуқий эксперимент мазмун-моҳияти, уни фуқаролар, электорат вакиллари ҳаётида тугган ўрнига бағишланган семинар-тренинглр, давра суҳбатлари ўтказди. Мазкур тадбирларда жамоатчилик вакиллари, партия фаоллари, депутатлардан қонун лойиҳаси нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар олинди. Улар умумлаштирилган ҳолда партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясига тақдим этилди.

Кайд этиш ўринлики, ЎзХДПнинг Сайловолди дастурида мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ҳуқуқий асосини ташкил этадиган давлат қарорларининг жойларда аниқ ижро этилиши юзасидан давлат бошқаруви маҳаллий органлари ходимлари масъулиятини ошириш, давлат ижтимоий дастурлари бажарилиши устидан

▶ Давоми. Боши 1-бетда.



Соғлом болалар кулгуси янграйверсин

Ўзбекистон халқ шоири
Анвар Обиджон билан суҳбат



— Президентимиз 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилди. Бу хабарни эшитганимизда кўнглингиздан қандай ўйлар ўтди?

— Эшитиб, ниҳоятда суюниб кетдим. Тўғри, фарзандларимиз саломатлигини асраш масаласига мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб катта аҳамият бериб келинмоқда. Бу борада республикамизда амалга оширилаётган ишларни чет эллик таниқли эксперт ва мутахассислар ҳам аллақачон эътироф этиб бўлишди. Шунга қарамай, фарзандларимизнинг ҳар томонлама эъзода бўлиб улгайишлариغا эътиборни янада кучайтиришни мақсад қилганимиз олқишга сазовордир.

Болалар оламида қувонқлик, беғуборлик, самимият доим кўйишдек порлаб туради, жуда ҳароратли олам бу. Кичкинтойларнинг биз катталардан асосий фарқи — ишонувчанлигида, эргашувчанлигида, ўта таъсирчанлигида. Уларнинг ҳатто алдовлари ҳам ёқимли.

— Фарзандларимиз нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам баркамол бўлмоғи лозимлигини Юртбошимиз алоҳида қайд этган. Бунинг замирида қандай маъно бор?

— Юртинг тўлақонли фуқароси бўлиш учун жисмонан бакуватликнинг ўзи камлик қилади. Инсоннинг руҳини кўтаришда, уни эзгу ишларга йўналтиришда, қадриятларни асрашга ундашда маънавий етуқликка тенг кела оладиган куч йўқ. Юртни юрт, миллатни

миллат қилиб туришда шу икки омилнинг уйғунлиги жуда муҳимдир. Ўз оиласини севмайдиган, унинг шаънини асрашга астойдил интилмайдиган кишини топиш қийин. Курашда битта полвонга бас келиб-келмайдиган одам, агар рақиблари унинг оиласига тажовуз қиладиган бўлса, ўн киши билан ҳам тенгма-тенг олишади. Фарзандларимизни пахлавон қилиб улгайтириш билан бирга, юртини, ўз хонадонини, халқини ўз жигарбандлари даражасида севмайдиган, уларнинг шаънини жон-жаҳди билан асрашга қодир қилиб тарбиялай олсак, ютуқ бизники.

Жисмоний бакуватлик ҳар икки тоифа учун ҳам бирдек зарур ва фойдалидир. Тўғри, қизларга нисбатан бошқачароқ талаблар ҳам бор. Улар аввало юксак ахлоқи, рўзгордаги бежирим тутуми, пазандаю чеварлиги, меҳру вафоси билан ўз хонадонини қанчалар севимли қила оlishа, оилалар шунча мустақам, фарзандлар шунча бахтиёр бўлиб бораверади. Юртга бўлган фидойилик оилага бўлган фидойиликдан бошланади.

— Сизнинг болалик даврингиз ҳозирги болалар ҳаётидан нималари билан фарқ қилади?

— Энг муҳими — бугунги болаларнинг фақат ўзига тегишли бўлган мустақил юрти бор. Бир пайтлар йўқликка юз тутта бошлаган она тилимиз энди давлат тилига айланди. Бу юртда энг олдин нималар қилиш, қаёққа қараб юриш кераклигини энди уларнинг ота-оналари, ака-опалари белги-

лайди. Жумладан, фарзандларимизни ўз удум ва қадриятларимиз асосида ўзимизники қилиб тарбиялаш имконига эга бўлди.

Собиқ тузум даврида «Хамма яхши нарсалар — болаларга!» деган шior бўларди. Қоғозда кўп нарсаларни режалаштириш мумкин, аммо, одатда, амалдаги ишларга қараб ҳулоса чиқарилади, баҳо берилади. Мустақилликдан сўнг биргина халқ таълими соҳасидаги ўзгаришларни оладиган бўлсак, шунинг ўзини буюк бир янглик деса бўлади. Бу таълим ислохотлари ўз меваларини бера бошлади. Болаларимиз халқроқ Менделеев олимпиадасида муносиб қатнашиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди. Президентимизнинг болалар спортига бераётган юксак эътибори ва гамхўрлиги туфайли 2013 йилда футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпиони олатидаги финалгача етиб борди. Ўсирилар терма жамоаси эса нимчорак финалгача чиқди. Бу ютуқлар барчамизни қувонтиради, албатта.

Эски даврда спорт мактаблари ҳам, йирикроқ спорт иншоотлари ҳам асосан Тошкентда эди. Бугунги кунда туман марказлари туғул, чекка қишлоқларда ҳам замонавий стадионлар қуришмоқда, спорт залига эга бўлмаган мактаб қолмади ҳисоб, уларда малакали мураббийлар спортнинг турли йўналишларида машғулоқ олиб бормоқда. Халқаро мусобақаларда зафар қўчаётган спортчиларимизнинг акса-

рияти қишлоқлардан етишиб чиқадигани бунга яққол мисолдир.

Қишлоқ врачлик пунктлари кўпайиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланаётгани, малакали шифокорлар билан таъминланаётгани фарзандларимизнинг соғлигини муҳофаза этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ўйлайман. Чақалоклар бир ёшга етмасиданоқ етти хил касалликка қарши эмланаётганининг ўзи мақтовга сазовор ҳолат. Уларни ёзининг иссиғидан, айниқса кишининг совуғидан асраш қанчалар муҳим бўлса, турли касалликларнинг олдини олиш ҳам шунчалар долзарбдир.

— Ҳозирги адабиётимиз, айниқса болалар адабиёти фарзандларимизни эл-юртга садоқатли қилиб тарбиялашда қандай хизмат қилмоқда?

— Болалар адиблари мустақилликдан аввал ҳам ўз эркимизни қўлга киритиш учун кураш мавзусини сатрлар остига яшириб бўлса ҳам баён қилиб келишган. Мустақилликдан сўнг халқимиз бошига қўнган саодатни кўпроқ шеърятда, публицистик йўналишда баралла тараннум эта бошлашди. Йирикроқ насрий асарлар яратиш учун кўпроқ вақт талаб қилиниши табиий ҳол. Ҳозирда бу борада Худойберди Тўхтабоев ва Миразиз Аъзам кўзга кўринарли ишлар қилишди. Ҳамма умидимиз — янги замонада улгайиб, янгича фикрлаб яшаётган ёш ижодкорлардан. Ўзвучилар уюшмасининг Дўрмон боғида ўтказилган семинарларда замонамизнинг ҳақиқий куйчилирига айланиб бораётган ўнлаб ёш ижодкорлар кашф этилди, уларнинг китоблари давлат маблағи ҳисобидан катта нусхаларда чоп этиб келинмоқда. Бу азаматлар фарзандларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга хизмат қилувчи пухта асарлар яратишга қўлмай, ҳадемай адабиётимизни ду-

нега олиб чиқиб, мамлакатимиз ва миллатимиз обрўйини янада юксакка кўтара олишига шубҳа йўқ.

Ёшимиз ўтиб бораётган эса, адиб деган номни оқлаб туришга кучимиз етганича уриниб келяпмиз. Болаларга аталган газета-журналларда шеърларим чиқиб турибди. Ўтган йил «Ўқитувчи» нашриётида «Жажжи-жажжи кулчалар» деган шеърый китобим чоп этилди. Янги йилда «Янги аср авлоди» нашриётида болаларга аталган насрий асарларимни туркум китоб қилиб босиш мўлжалланган, ҳозирда босмахонага тушиш арафасида турибди.

Минг шукрки, тинчгина бошпанам бор, тирикчиликдан камчилик йўқ, яхшигина пенсия

Фарзандларимизни пахлавон қилиб улгайтириш билан бирга, юртини, ўз хонадонини, халқини ўз жигарбандлари даражасида севмайдиган, уларнинг шаънини жон-жаҳди билан асрашга қодир қилиб тарбиялай олсак, ютуқ бизники.

Болаларимизни қувонтириш йўлида яна тинмай ёзаверишга, уларни қалам ҳақи олмасдан ҳам китоб қилиб чиқаришга тайёрман.

— Болаларимизга қандай тилақларингиз бор?

— Энг аввало, уларнинг бахтига юртимиз абадул-абад тинч бўлсин, ота-оналари соғ-саломат бўлишсин. Мамлакатимиз бундан-да ободлашиб, гўзаллашиб бораверишига шубҳа йўқ, аммо болаларнинг шодон чечралари, янғроқ кулгилириси булар ҳеч биримизга татимаслиги ҳам бор гап. Фарзандларимизнинг бахти ва камолини кўриб яшаш барчамизга насиб этаверсин.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темура АъЗАМ суҳбатлашди.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан ўтказилган «Юрт келажаги» республика кўрик-танлови ва «Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивали волиблари тақдирланди. Сўз — кўрик-танлов ва фестиваль волибларига

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам

Мадина МИРЗАҚОБИЛОВА



— Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқроқ журналистика факультети талабасиман. Танловда публицистика йўнали-

ши бўйича қатнашиб, голиб бўлдим.

Келажакда мустақил мамлакатимиз ҳақида, тенгдош дўстларим эришаётган ютуқлар, забот этаётган марралар тўғрисида публицистик мақолалар ёзиш ниятидман.

Ўзбекистон ёшларига мурожаат қилмоқчиман: **Биз ватанпарвар ва фидойи бўлишимиз, жонажон Ватанимиз довруғини бутун дунёга таратишимиз, Президентимиз ишончини оқлашимиз керак.**

Янги йил барчамизга янги имкониятлар, янги галабалар олиб келсин.

МуҳаммадсОХ МАМАТОВ



— Тошкент архитектура-қурилиш институтида ўқийман. Танловда шаҳарсозлик ва ландшафт дизайни йўналишида қатнашдим. Ўзбекистонимиз ўзининг

қадимий меъморчилик анъаналарига эга. Ота-боболаримиз томонидан қурилган иморатлар неча асрлар давомида бутун дунёни лол қолдирмоқда. Чет элдан келган меҳмонлар мамлакатимиз шаҳарларида замонавий ва тарихий меъморчилик асосида бунёд этилаётган биноларга, намунавий лойиҳа асосида қурилаётган қишлоқ уйларига ҳавас ва ҳайрат билан қарашмоқда. Юксак баҳо беришмоқда.

Келажакда ўзбек меъморчилиги тарихини ўрганиб, ўзининг мустақил лойиҳаларини яратишни хоҳлайман. Фурсатдан фойдаланиб, бутун халқимизни Янги йил билан табриклайман.

Дилдора НУРИДДИНОВА



— Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабнинг 6-син-

фида ўқийман. 10 ёшимдан қишлоқлар ёза бошлаганман. Улар газета ва журналларда чиққан. Фестиваль голиб бўлганимни айтишганда, ишонгим келмади. Бундан жуда ҳаяжонландим. Эндиликда ўз олдимга аниқ мақсад қўйдим — мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловида қатнашмоқчиман. Бунинг учун янада кўпроқ ўқишим керак.

Устозларимни, оила аъзоларимни Янги йил билан қутлайман.

Зулайхо ХАМИДОВА



— Қибрайдаги 2-сон муносиб мактабда ўқийман. Расм чизишни жуда яхши кўраман. Танловда на-

мойиш этган миниатюраларим юқори баҳоланганидан жуда хурсандман. Ота-онам ҳам қувонишди. Биз учун шунчалик шароит яратиб берган Президентимизга раҳмат.

Устозларим менга бизнинг боболаримиз миниатюра мактабини яратганини айтишди. Уларга муносиб бўлишимиз кераклигини таъкидлашди.

Янги йилда халқроқ танловларда қатнашмоқчиман. Ҳамма болаларни Янги йил — Соғлом бола йили, бизнинг йилимиз билан табриклайман.

Жаъфарбек РИЗАЕВ



— Чирчиқ шаҳридаги 7-мактабда ўқийман. Анча вақтдан бери академик вокал билан

шуғулланаман. Фестивалда ҳам шу йўналиш бўйича иштирок этдим. Келажакда қўшиқчи бўлмоқчиман.

Бугун жаҳон сахналарида қўшиқ куйлаётган, пианино чалаётган тенгдошларимни кўриб, уларга ҳавасим келади. Янги йил билан ҳаммани табриклайман.

Биз, Ўзбекистон болалари ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темура АъЗАМ таърифи. Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

БОЛАЛАР
ҚУВОНЧИ

Наманган вилоятида 267 нафар ўғил-қизга Президент совғалари тақдим этилди.

«Президент арчаси»

атрофидаги болалар қувончи бутун Ўзбекистон бўйлаб кезмоқда

Самарқанд вилояти. Самарқанд шаҳрида ўтказилган байрам тадбирига вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари, SOS болалар маҳалласи тарбияланувчилари, Ватанимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида хизмат бурчини бажариш чоғида қурбон бўлган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг фарзандлари тақдиф этилди. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ҳам «Президент арчаси» тантаналари ўтказилиб, давлатимиз раҳбарининг совғалари болаларга топширилди.

Байрам тадбирида Самарқанд вилоят ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқди.

Қорақалпоғистон Республикаси. Шаҳар ва қишлоқларида, олис овулларида ҳам «Президент арчаси» шодиёналари кенг нишонланмоқда. Уларда кам таъминланган, боқувчинини йўқотган ҳамда кўп болали оилаларнинг фарзандларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нукус шаҳри ҳамда Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, шунингдек, шаҳар ва туманларда бўлиб ўтаётган тадбирларда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 751 нафар болажонларга Президент совғалари топширилди.



Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси Муса Эрниязов сўзга чиқди.

Тошкент вилояти. Шаҳар ва туманларида ҳам «Президент арчаси» байрам тадбирлари ташкил этилди. Охангарон туманида бўлиб ўтган тадбирларда болажонлар Қорбобо, Қорқиз ва турли эртақлар қаҳрамонлари даврасида, ранг-баранг уйинчоқлар билан безатилган арча атрофида байрамни шод-хуррамлик билан нишонлади. Бадий жамоа-

лар, таниқли санъаткорларнинг чиқишлари, театрлаштирилган томошалар болаларда унутилмас таассурот қолдирди.

Тадбирда Тошкент вилоятининг ҳокими Аҳмаджон Усмонов сўзга чиқди.

Сурхондарё вилояти. Шаҳар ва қишлоқларида ҳам «Президент арчаси» байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Термиз шаҳридаги «Истиқлол» тантаналар саройида ўтказилган

тадбирга Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қарамогинда маҳрум бўлган болалар ва хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган осойишталик посбонларининг фарзандлари тақдиф этилди.

Болажонларга Президентимизнинг янги йил совғалари топширилди. Куй-қўшиқ ва рақслар, эртақ қаҳрамонлари иштирокидаги қизқарли томошалар барчага бир олам қувонч улашди.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Эшдавлат Жўраев сўзга чиқди.

Наманган вилояти. Алишер Навоий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида «Президент арчаси» тантаналари ўтказилди. 267 нафар ўғил-қизга Президент совғалари тақдим этилди.

Ёш истеъод соҳиблари, «Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивали волиблари иштирокидаги концерт ва театр ижодий жамоаси томонидан тайёрланган «Янги йил саргузаштлари» мусиқали томошаси болажонларга завқу шавқ улашди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Баҳодир Юсупов сўзга чиқди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам «Президент арчаси» шодиёналари бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз

► Давоми. Боши 1-бемда.



ТАБРИК

Бетакрор ва бебаҳо Ватан...

«Эл эртасининг эгалари»

●●● Озарбайжон Ватандош ҳамрайлиги партияси раҳбари, Озарбайжон Миллий Мажлиси депутаты, Озарбайжон халқ шоири Собир Рустамхонли билан таҳририятимиз ўртасида дўстона алоқа ўрнатилган. «Ўзбекистон овози» мухбири Темура Аъзам интернет орқали у билан суҳбатлашди. Шоирнинг янги йил изҳорларини газетхонларимиз эътиборига ҳавола этамиз.



«Улуғ ўзбек халқи! Мухтарам қардошларим! Кириб келаятган Янги йилнинг келиши билан қадимдан ўрта Осиёнинг маданияти бешиги сифатида бутун дунёга донг таратган. Ўзбекистон деб аталмиш сеҳрли диёрда камол топган олиму фузалар, шоиру саркардалар ҳаммиса дунё аҳлини лол қолдириб келган!

Қадим замин билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди! Буюк туркий халқлар тарихи, давлатчилиги, маданияти, адабиёти, қўйинги, ўтмишининг ҳар бир жабҳаси ва ҳақсаси Ўзбек халқининг донишманд алломалари, буюк бобоқалонлари номи билан чамбарчас боғлиқ. Низомий Ганжавий тамаддун тошини қўйган, шарқликларгагина хос маданият ва маърифат анъаналарини Ҳазрат Навоий ўзининг бетакрор битиклари билан бойитган, янада юксалтирган. Аини кунда ҳам буюк аждодлар зехни, илму салоҳияти, буюклиги қонида жўш урган эл-

севар иждоқорлар ҳаммиса изланишида. Шу боис ҳам Ўзбекистонда кундан кун гуркираётган маданият ва санъат соҳаларига ҳавас қилсанг арзийди киши! Хусусан, «Шарқ тароналари» фестивали ташкил этилишининг ўзиёқ, Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳар обидаларининг қадимий кўрғига маҳлиё бўлган хорижлик санъат илосмандлари қалбини ҳайратга солмоқда, санъатсевар дилларга севинч улашмоқда. Янги 2014 йил Ўзбекистонда Президент Ислоҳ Каримов та-

шаббуси билан «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Йилнинг эл эртасининг эгаси бўлиши болаларнинг жисмоний ва маънавий баркамоллиги билан номланиши, бу — Ўзбекистонда ёш авлод бахт ва истиқболга беқийс эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади.

Биргина Ўзбекистон мактабларида маънавият дарси ўқитилаётганининг ўзиёқ, юртингизда ёшларни ўзбекона руҳ, миллий қадриятлар, азалий анъаналар, ўзбекона урф-одатлар руҳида тарбиялаш масаласида давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Икки дўст ва биродар халқ ҳаммиса бир-бирига елкадош, даррдош бўлиб келган. Буюк Қардошлар Дунёсининг гуллаб-яшнаши, янада яқинлашиши, ҳамфикр, ҳамхоҳан бўлиши учун аждодларимиз жуда катта ишлар қилишган.

Бугунги авлод мана шу анъаналарни давом эттириб, янада юксалтириши зарур. Бунинг учун эса барча имконият ва шароитлар бор. Янги йил ўзбек ва озар халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлаш йили бўлсин.


Қадри дўстлар! Кириб келаятган Янги йилнинг келиши билан қадимдан ўрта Осиёнинг маданияти бешиги сифатида бутун дунёга донг таратган. Ўзбекистон деб аталмиш сеҳрли диёрда камол топган олиму фузалар, шоиру саркардалар ҳаммиса дунё аҳлини лол қолдириб келган!

Мен сизларни ўз номидан, қони ва жони Сиз-ла бир бўлган Озарбайжон халқи номидан санимий муборакбод этаман. Сизларга битмас соғлиқ, туганмас ризқ, озодлик ва мангу омонлик тилайман.

Ўзбекистон осмони ҳаммиса мусаффо, ҳаётингиз тинч ва тўкин, кунларингиз ва кўнглингиз мудом хотиржам бўлсин. Худо ҳаммиса ёр бўлсин.

Самимият ва чексиз ҳурмат ила Сизларни севгучи Собир РУСТАМХОНЛИ.

Тошкент. Янги йил оқшоми



Мухаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИ

Кўнги маънос тортди йилнинг сўнгига,
Билмам, ниманг билан сеҳрладиңг, қор.
Бугун куппа-кундуз кўзим ўнгида,
Яна бир ёшимни ўғирладиңг, қор.
Қирқинчи қасримга ўтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртаки энди?..

Баҳорим етгудек қўлим узатсам,
Етолмай дилимни не деб юпатсам.
Лайлаққор, азизим, ғалат байрам бу —
Кулиб кузатсамми, йиғлаб кузатсам...
Дардим жим ичимга ютайми энди,
Кечаги ёшлигим эртаки энди?

Сўрсанг, севинчимдан ўкинчим кўпроқ,
Сендан-да кумушроқ сочимдаги оқ.
Йилим келмай туриб, йилим кетмоқда,
Кўзда табассум-у киприқда титроқ.
Мен ҳам сал шошдим-да, қайтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртаки энди?

Янги йил,
Келавер, қандай келсанг ҳам,
Кимлар етди сенга, кимлар етмади.
Сен янги йўлдошсан, сен янги ҳамдам,
Йўқлаб келганингни ўзи бир байрам.
Қулоғинга бир гап айттайми, энди,
Кечаги ёшлигим эртаки энди...



МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА

Уларнинг ўзи ширин, ўзидан ҳам сўзи ширин

Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида Янги йил томошалари бошланди. Бу ерга келган болажонлар турли аттракционларга учинмоқда, эртақ қаҳрамонлари иштирокидаги спектаклларни кўришмоқда. Уларнинг ўзи ширин, ўзидан ҳам сўзи ширин.

ҲАБИВУЛЛО:

— Ёшим ёлтида. Ойим ва опам билан келдик. Менга катта арча жуда ҳам ёқди. Қорбобо ва Қорқиз бизга совға берди. Ўйнайдиган жойлари роса кўп экан. Мен янги йил байрамини яхши кўраман. Бу байрамда кўп ширинликлар берилади. Келаси йил мактабга бораман. Яхши ўқисам, ойим кейинги йил ҳам олиб келишларини айтдилар.

МАСТУРА:

— Учтепа туманидаги 203-мактабда ўқийман. Ўтган йили ҳам келгандик. Бу йил арчани янада қиройли безатишибди. Укам билан маза қилиб ўйнадик, спектакль томоша қилдик. Таътилга чиқишимиздан олдин мактабимизда ҳам янги йил байрами бўлди. Бу байрамда ҳамма жой қиройли бўлади. Мустақиллик майдонига ҳали яна келмоқчимиз.

МУБИНА:

— Ёшим еттида. Сергелидаги 303-мактаб ўқувчисиман. Баҳоларим аяло. Мактабимизда бўлган янги йил байрамини Қорбобо келди. Бизга совғалар берди. Ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Бугун бувижоним мени катта арчани томоша қилишга олиб келдилар, ўйинчоқлар олиб бердилар...

Моҳира ҒУЛОМОВА:

— Болалик пайтимизда биз ҳам байрамларни яхши кўрадик, шаҳар айлангимиз келарди. Аммо бунақа шароитлар қаёқда дейсиз? Бугун менинг фарзандларимдан бахтли болалар йўқ. Улар мустақил мамлакатда туғилиб ўсишяпти. Қаранг, ҳаво совуқ бўлишига қарамай, анча одам айланишга келган. Биз ота-оналар фарзандларимизнинг қувончи учун ҳар нарсага тайёрмиз. 2014 йил Президентимиз томонидан «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Бир она сифатида бундан жуда ҳам хурсанд бўлдим. Шукр, фарзандларим соғлом ўсаяпти.

Янги йил билан барча юртдошларимизни табриклайман. Ҳар бир оилада тинчлик, хотиржамлик бўлсин. Юртимиздаги барча болалар соғлом бўлсин!

«Ўзбекистон овози» мухбири Темура Аъзам тайёрлади.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

От йилида:

Эл-улус баракали бўлғай, молсизлар молли бўлғай...

Қадимдан эзгуликни улуғлаб яшаган аждодларимизнинг эътиқодий қарашлари тизимида турли хил жониворлар билан боғлиқ мифология тасаввурлар, расм-русум ва анъаналар муҳим ўрин тутган.

Халқимиз томонидан яратилган афсонаю ривоятлар, дostonу эртакларга қулоқ турсангиз, лайлак — эзгулик бахш этувчи қуш бўлиб, табиатнинг боқийлиги, бегуборлик, баҳорий янгилиниш, поклик тимсоли саналганлиги, қалдирғоч — бахт-саодат, эзгу умидларнинг рўёбга чиқиши, бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, оилавий хотиржамлик ва омад рамиз дея мўътабар туттилиши, шер тасвири эса мардик, жасурлик, ботирлик ва қаҳрамонлик ғоясини ўзида мужассамлаштирилганлиги кўрамади. Халқ оғзаки бадиий ижодида алоҳида меҳр билан таърифланган ана шундай жониворлардан бири от ҳисобланади.

Айниқса, халқ дostonларининг бош қаҳрамонларини отсиз тасаввур қилиш қийин. Уларда қуйланган учқур тулпорлар «сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, юлдузани кўзлаб, ёли раққос бўйлаб» турган бедовлар бўлиб, асар воқеаларининг фаол иштирокчиси сифатида тасвирланиши анъанавга айланган.

Мамлакатимиз ҳудудиде олиб берилган археологик изланишлар мобайнида топилган хилма-хил от ҳай-



калчалари, ўтмиш мусаввирлари томонидан қоятошларга муҳраб қолдирилган қадимий обидалари, петроглифларда тасвирланган қўлаб от суратлари ҳам бу жонивор аждодларимиз турмушида муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради.

Боболаримиз, айниқса, наслдор отларни қупайтириш борасида катта тажриба тўплаганлар. Уларнинг зотдор отлардан иборат сон-саноксиз уорлари кенг яйловларда ёйилиб ўтлагани, ўз она юртининг муқаддас тупроғи ва оила кўрғонининг дахлсизлигини ҳар нарсадан устун деб билган ботир йигитлар отда туриб мардондор жанг қилганликлари қадимий ёзма ёдгорликларда ҳам қайд этилган.

От халқимиз ҳаётида нечоғлик муҳим ўрин тутганлигини XI асрнинг буюк тилшуноси Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит турк» асарида

келтирилган қуйидаги қайдномдан ҳам билса бўлади: «Эл — бир турли от номи, чунки от — йигитнинг қанотидур».

Аждодларимиз отни мўътабар жонивор сифатида эъзозлашган. Тушда от кўриш — давлат ва барака нишонаси деб таъбирланиши, қизлар тушида от кўриши эса совчи келишига тимсол қилиниши, суннат тўйда болани кийинтириб, отга миндириш одати шулар жумласидандир.

Анъанага кўра, муҳал йилларидан бўлмиш от йили қути, баракали келади, деб ҳисобланади. От файз-қуввати, эгасига вафодор жонивор деб қаралганлиги боис, от йили кирганда далаларнинг ҳосили мўл, боғларда мевалар сероб, поллизлар маҳсулоти тўкин-сочин бўлади дейдилар.

XIII асрга мансуб туркий ёзма ёдгорликлардан бири «Солнома»нинг «Йилки йили кирса» деб номланган фаслида от йилига шундай таъриф берилган: «Ул йил мевалар, экинлар, ошлик (буғдой), тарик мўл бўлғай; ёзи иссиқ, қиши қаттиқ бўлғай; йилқиларга қут бўлғай ва лекин кузда мевалар арзон бўлғай; ул йил озукни кўп йиғмак керак; ул йил ёмғир кўп бўлғай, уй(сигир)лар, йилқиларга ўтлоқ-яйлоқлар яхши бўлғай, эл-улус баракали бўлғай, молсизлар молли бўлғай».

Маматқул Жўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIRIR HAY'ATI:

| | | |
|---------------------|------------------|--------------------------------------|
| Abdulla ORIPOV | Ulug'bek | Saidahmad RAHIMOV |
| Hotamjon KETMONOV | MUSTAFOYEV | Farruh HAMROYEV |
| Ulug'bek VAFOYEV | Muslihidin | (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Rustam KAMILOV | MUHIDDINOV | Tat'yana KISTANOVA |
| Sharbat ABDULLAYEVA | Ochiiboy RAMATOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) |

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 160 **Nashr ko'rsatkichi — 220**
21153 **t — Tijorat materiallari**
nuxxada **O'ZA yakuni — 16.40**
bosildi. **Topshirilgan vaqti — 19.30**

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2008-7633

1 2 3 4 5